

International scientific and practical online conference

## **INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES**


Международная научно практическая online-конференция

## **ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК**

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

## **DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ**

# 2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available  
at [virtualconference.press](https://virtualconference.press)

## **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ УМР КЎРИШ**

### **ДАВОМИЙЛИГИГА АТРОФ-МУҲИТ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

**НИЗОМ ЭРМАТОВ, ХАЙРУЛЛО МАМРИЗАЕВ**

Тошкент тиббиёт академияси

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси

Резюме. Тадқиқотда Фарғона вилоятида атмосфера хавосининг кимёвий

моддаларнинг билан ифлосланиш даражасини гигиеник таҳлилида санитария эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг олиб борган текширишлари ва уларнинг ҳисоботлари асосида амалга оширилди ҳамда рухсат этилган меъёрий концентрация кўрсаткичлари билан солиштирилди. Намуналар Фарғона вилоятида 4 та шаҳар ва 15 та туманларида амалга оширилиб, Қувасой цемент, Фарғона нефтини қайта ишлаб чиқариш, Ўзбекистон тумани, Қўқон шаҳри йирик саноат корхоналари ва автотранспортдан чиқадиган газларнинг 2017-2020 йиллар давомида 30 та кимёвий моддаларнинг аэрозол чанги, аралаш чанглар, газлар ва буғлар ажратилган тартибда хавфлилик кўрсаткичлари бўйича таҳлили амалга оширилган. Аэрозол чанглариининг миқдори 1-2 синф хавфлилик даражаси 420 та намунадан 40,7% рухсат этилган меъёрий даражадан ошган бўлса, аралаш чангларда эса 3-4 синф хавфлилик даражаси бўйича 5139 та синамадан РЭМдан 764 та намунада 14,8%да, буғларнинг 1-2 синф хавфлилик даражаси бўйича 13,1%да, 3-4 даражада эса 0,073%га ошганлиги кўриниб турибди. Ушбу ҳолат атмосфера хавосининг ифлослантириши билан биргаликда нафас олиш тизими, қон босими, аллергия ва бронхиал астма касалликларнинг кескин ортишига шароит яратади.

**Калит сўзлари.** Биосфера объектлари, атмосфера хавосининг ифлосланиши, касалланиш

**Муаммонинг долзарблиги.** Яшаш жойидаги биосфера объектларнинг гигиеник талабларга мос келиши уларнинг умр кўриш давомийлиги, саломатлик ҳолати, турли касалликлари билан касалланиши, касалликларнинг асорати билан биргалик ишлаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши қатор олимларининг ишларида акс эттирилган (3,4,5,6).

Атмосфера ҳавоси таркибининг ўзгариши, саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, ичимлик сувининг кимёвий таркибиниинг бузилиши, таркибидаги қатор тузлар миқдорининг рухсат этилган миқдордан ортиши, сувнинг таркибидаги фтор миқдорини ортиши ёки камайиши, тупроқнинг ифлосланиши, унинг таркибиниинг бузилиши натижасида шу жойда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги селен миқдорининг камайиши, пестицидлар миқдорининг кўпайиши эса ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлик ҳолатига, касаллаиниш кўрсаткичи ва умр кўриш давомийлигига салбий таъсир кўрсатади (1,2,3,4).

Биосфера объектларида, яъни, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ва озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги таъминлаш ва уларнинг аҳоли саломатлик ҳолатига таъсирини баҳолаш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

**Ишимизнинг мақсади.** Фарғона вилоятида атмосфера ҳавосининг кимёвий моддалар билан ифлосланиш даражасини гигиеник баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот материаллар ва усуллари.** Тадқиқот ишлари санитария эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг режали ва режасиз амалга оширилган текширишлари ва уларнинг ҳисоботлари асосида амалга оширилди. Олинган натижалар рухсат этилган меъёрий концентрация кўрсаткичлари билан солиштирилди ва статистик ишлаовдан ўтказилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Фарғона вилоятида 4 та шаҳар ва 15 та туманлар бўлиб, мамлакатимизнинг аҳоли сони кўп ва саноат тармоқлари кенг ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Фарғона вилоятининг энг асосий атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбалари Қувасой цемент, Фарғона нефтини қайта ишлаб чиқариш корхонаси билан биргаликда Қўқон шаҳри, Ўзбекистон туманидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва автотранспортдан чиқадиган газлар ҳисобланади.

2010-2020 йиллар давомида умумий 30 та кимёвий моддаларнинг аэрозол чанги, аралаш чанглари, газлар ва буғлар ажратилган тартибда лаборатория шароитида хавфлилик кўрсаткичлари бўйича таҳлили амалга оширилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, аэрозол чанглариининг миқдори 1-2 синф хавфлилик даражаси 420 та намунадан 40,7% рухсат этилган меъерий даражадан ошган бўлса, аралаш чангларида эса 3-4 синф хавфлилик даражаси бўйича 5139 та синма олинган бўлиб, РЭМдан 764 та намунада 14,8%да ошганлиги аниқланди.

Буғларнинг таҳлили эса қуйидагичадир: буларга 1-2 синф хавфлилик даражаси бўйича 13,1%да, 3-4 даражада эса 0,073%га ошганлиги кўриниб турибди. Ушбу ҳолат атмосфера ҳавосининг ифлослантириш билан биргаликда болалар ва ўсмирлар орасида аллергик касалликлар билан биргаликда, нафас олиш тизими касалликлари сонини кескин ортишга сабаб бўлса, катталар орасида эса қон босимининг ортиши, нафас олиш тизими касалликлари билан биргаликда бронхиал астма касалликларининг кескин ортишига шароит яратади. Ёш катталардаги касалликлар ногиронлик билан биргаликда умр кўриш давмийлигига ҳам кескин таъсирини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳолатини олдини олишга қаратилган техник-технологик ва санитар гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз жоизки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ҳароратнинг кўтарилиши, ҳаво таркибининг ўзгариши, таркибида зарарали кимёвий моддалар миқдорининг ортиши, нафас олиш тизими ва юрак қон томир тизими касалликларнинг ривожланиши оқибатида, аҳолининг ишлаш қобилиятининг пасайиши, ногиронликнинг ривожланиши, умр кўриш давомийлигининг пасайишига шароит яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бурцева, Т.И., Сальникова Е.В., Скальный А. В. Гигиеническая оценка обеспеченности селеном различных групп населения Оренбургской области. Гигиена и санитария 98.1 (2019): 45-48.
2. Дмитриев А.Д., Дмитриев Д.А., Романова И. И. Оценка воздействия антропогенного загрязнения на морфофункциональный статус у детей школьного возраста // Гиг. и сан. - 2003. - №2. – С. 41-43.
3. Зайцева Н.В., Землянова М.А., Долгих О.В.//Геномные, транскриптомные и проемные технологии как современный инструмент диагностики нарушений здоровья, ассоциированных с воздействием факторов окружающей среды //Гигиена и санитария, том. 99, - № 1, 2020, - С. 6-12.

4. Карелин, А.О. и др. Совершенствование подходов к оценке воздействия антропогенного загрязнения атмосферного воздуха на население в целях управления рисками для здоровья. // Гигиена и санитария 98.1 (2019): 82-86.
5. Савилов Е.Д., Брико Н.И., Колесников С.И. Эпидемиологические аспекты экологических проблем современности. Гигиена и санитария. 2020;99(2):134-139.
6. Савинцева Е.В., Нажмудинова З.Ш., Шамгунова И.И. Эпидемическая ситуация по туберкулезу в РФ, РТ и УР за 2017-2019 гг // Colloquium-journal. - 2020.- № 8(60). - С. 57-63.

## Contents

### BIOLOGY

**Қурбонова Мехриой Зафарбек қизи - AEGILOPS L. туркум вакилларининг дицеминасия жараёни.....**3

### CULTUROLOGY

**С.С. Абдукаххоров, К.Н. Пулатова - Взаимодействие физической и тактической подготовки изучение зависимости.....**8

**С.С. Абдукаххоров, К.Н. Пулатова - Движение команды в классификации и оборонительная тактика игры центрального защитника.....**13

### MEDICINE

**Зиядуллаева Н.С. - Особенности остеорепарации при замещении костного дефекта Биоактивным стеклом в сочетании с антибиотиком.....**18

**Низом Эрматов, Кууат Джолимбетов: Умумтаълим мактабларда меҳнат таълим дарсларини ташкиллаштиришга қўйиладиган гигиеник талаблар.....**21

**Низом Эрматов, Шохрух Хабибов, Жамшид Қутлиев: Юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рационидаги мева-сабзавотларнинг озукавий қийматини баҳолаш.....**25

**Nizom J. Ermatov<sup>1</sup>, Feruza L. Azizova<sup>2</sup>, Jamshid A. Kutliev<sup>3</sup>: Hygienic assessment of the quantity of bread in the diet of military athletes.....**29

**Низом Эрматов, Хайрулло Мамризаев: Фарғона вилоятида аҳолининг умр кўриш давомийлиги атроф-муҳит омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш.....**32

**Низом Эрматов, Нодирбек Юсуфов: Иссиқ иқлим шароитидаги синфхоналарнинг ички муҳитини гигиеник таҳлили.....**36

**Ortikov Bobomurod Baymamatovich: Hygienic analysis of the anthropometric indicators of the covid-19 patients.....**40

### PHILOLOGY

**Қамола Аскарова Саидикрамова – Сулаймон Бокмўғоний девони қўлёзма нусхаларининг матн хусусиятлари.....**43

### TECHNOLOGY

**Сайфуллаева М.И. – Цифровизация современной системы высшего образования.....**49